

Ургут туманида амалга оширилган ишлар юзасидан МАЪЛУМОТ

II. Амалга оширилган ишлар

Электр энергияси бўйича

Тумани аҳолиси бугунги кунда 569,1 минг нафарни ташкил қилиб, ушбу аҳоли хонадонларига туманидаги “Ургут” ва “Дехқонобод” электр тармоқлари корхонаси хизмат кўрсатади.

Корхона балансидаги 2423,6 км тармоқ ва 1924 та трансформатор пункити орқали жами бўлиб 101 098 та истеъмолчиларга, шундан 96 342 та аҳоли хонадонларга ҳамда 4 756 та юридик истеъмолчиларга узлуксиз ва сифатли электр энергия билан таъминлаб келинмоқда.

Жорий йилда туман аҳолисига олиниши керак бўлган электр энергияси режа жами 592 451 (Ург.этк-450 251, Дех.этк-142,200) млн.квт/соат. Йил якунига қадар кутилаётган дефицит 29 102 мвт/соат (6,4%) бўлиши кутилмоқда. Дебиторлиги қарздорлик туман бўйича 88,2 млрд.сўм, шундан аҳоли-63,1 млрд.сўм, улгуржи-25,1 млрд.сўм.ни ташкил этади.

Жорий йилнинг бугунги кунига қадар тумандаги 19 та маҳаллага жами 27 та трансформатор ўрнатилиб, 608 та темир-бетон таянч устуни ҳамда 14,5 км ҳаво тармоғи тортилди.

Туманда 2025 йилда электр энергияси бўйича жами 106,9 млн.кВт.с иқтисод қилиш режалаштирилган. Бугунги кунга қадар 51,3 млн.кВт.с яъни 48 % иқтисод қилинди.

Қайта тикланувчи электр манбалари

Туманимизда қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия тежовчи технологияларни ташкил этиш (2023 йил 16 февралдаги ПҚ-57-сон қарор асосида) 2025-йилга 528 та обьектларга 6820 кВт қуёш панеллари ўрнатилиши белгилаб олинган. Ҳозирда 97 та обьектга 3473 кВт қуёш панеллари ўрнатилди. жумладан

- 80 та аҳоли хонадонларига 593 кВт,
- 7 та ижтимоий соҳа обьектлари ва давлат идораларига 117 кВт,
- 5 та тадбиркорлик субъектларига 2730 кВт,
- 5 та кўп қаватли уй-жойларнинг том қисмига 33 кВт қурилмалар ўрнатилди.

ГЕСлар бўйича

Туман ҳудудидан ўтган “Айланма дарғом” канали ёқасидан 12 та (1 мвт/соат) кичик ГЕСлар қурилиш режалаштирилган (4 тасини “Ўзбекгидроэнерго” АЖга қарашли 1-сон қурилиш дирекция томонидан, 8 таси хусусий тадбиркорлар) томонидан қурилиши режалаштирилган.

Ҳозирда “Ўзбекгидроэнерго” АЖга қарашли 1-сон қурилиш дирекция, 2 таси фойдаланишга топширилди. 2 тасида эса қурилиш ишлари 85 % га бажарилган бўлиб, қурилиш ишлари жадал давом этмоқда. Хусусий тадбиркорлар томонидан қурилиши режалаштирилган 8 та микро Гесларда тадбиркорлар томонидан аукцион савдолари орқали сотиб олинган

Газ таъминоти бўйича

Ургут туманида жами 6031 та хонадон, улгуржи истеъмолчилар сони 157 тани ташкил этиб туман аҳолисининг 7,3 % қисми таъбиий газ билан таъминланган.

Шунингдек жами бўлиб 364,7 км газ қувурлари ва 422 та газ тарқатиш қурилмалари мавжуд бўлиб барчаси техник кўрикдан ўтказилди. “Ургуттумангаз” газ таъминоти бўлимида жами истеъмолчилар 97 190 тани ташкил этиб аҳолининг 92,7 % хонадонлари маший газ баллонлари билан таъминланган. Жорий йилнинг бугунги кунига қадар 418 дона янги газ балонлари олиниб ахолига тарқатилди. Бугунги кунда 115 та суюлтирилган газ балонига эҳтиёж мавжуд.

Туманда 2025 йилда табиий газ бўйича жами 11 515 минг.куб иқтисод қилиш режалаштирилган. Бугунги кунга қадар 5642,4 минг.куб яъни 49 % иқтисод қилинди.

Ичимлик ва оқова суви таъминоти

Ургут тумани аҳолиси бугунги кунда 569,1 минг нафарни ташкил этиб, шундан 481,5 минг нафар аҳолиси марказлашган ичимлик суви билан таъминланган бўлиб 84,6 % ни ташкил этади. Туманнинг қолган 87,6 минг нафар аҳолиси 15,4 % алтернатив (маҳсус техникалар орқали ташиб ичувчилар)ни ташкил этади. Ургут туманида 16 та маҳалла тўлиқ чашма ва булоқдан сувидан, 27 та маҳаллада бир қисми булоқ сувидан, бир қисми чашма ҳамда артезиан сувидан ҳамда 77 та маҳаллалар эса артезиан сувидан фойдаланади.

Жорий йилда 17 та иншоот, 47,2 км тармоқ қуриш ишлари, қиймати 17,2 млрд.сўмни ташкил этиб, 24950 та аҳоли ичимлик суви таъминоти яхшиланиши режалаштирилиб 87,2 % га етказилади. Бугунги кунда лойиҳа хужжатлари расмийлаштирилмоқда.

Ҳозирда 5 та маҳаллага 8,5 км ичимлик суви тармоғи тортилиб, 4 та маҳалладаги 4 та сув иншоотлари қайта таъмирланди.

Йўлларни таъмирлаш

Туманда жами йўллар узунлиги 2245 км.ни ташкил этади. Шундан, умумфойдаланишдаги йўллар 278 км, халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўллари 43 км, давлат аҳамиятдаги автомобиль йўллари 79 км, маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари 156 км. Шунингдек туманида 1960 км ички хўжалик йўллари мавжуд.

Жорий йилда 207,4 км ички йўллар шағаллаштирилиши режалаштирилган бўлиб амалга 185,5 км йўл шағаллаштирилди. 13 та маҳаллада 41,6 км йўллар ташаббусли бюджет маблағлари ҳисобидан асфалт қопламаси билан таъмирланди.

Яшил макон бўйича

Туманда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 30-декабрдаги ПФ-46-сонли фармони асосида 2024 йилда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси асосида жами 1 млн. 293 минг, шундан баҳор мавсуми учун 812,6 минг та, куз мавсуми учун эса 501,8 минг та мевали ва манзарали дараҳт кўчатлари экилиб режа 108,2 % га бажарилди.

2025 йилда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси асосида жами 1,309 минг туп шундан баҳор мавсумида 819,0 минг туп, кўз мавсумида 490,0 минг туп мевали ва

манзарали дараҳт кўчатлари экилиши белгилаб олинган. Жорий йил баҳор мавсумида 851,3 минг туп дараҳт кўчатлари экилиб режа 104 % га бажарилди.

Уй-жой қурилиши бўйича

Бугунги кунда туманимиздаги 9 та маҳаллаларда 3477 та хонадонли 90 та кўп қаватли тураг жой бинолари мавжуд бўлиб, 2 та бошқарув сервис компаниялари (“Бинокор Стар” МЧЖ ва “Афросиёб Мароқанд” МЧЖ) хизмат кўрсатади. Туман аҳолисини уй-жойга бўлган эҳтиёжини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-32-сонли фармони асосида тумандаги “Қуий Камангарон” маҳалласидан “Янги Ўзбекистон” массиви учун 39,2 га ер майдони ажратилган бўлиб, ушбу ҳудудда 2022-2026 йиллар давомида қатор лойиҳалар қурилиши ва амалга оширилиши белгилаб олинганлиги, шундан 2024-йилда “Янги Ўзбекистон” массивида 20 та уй-жойлар, бундан ташқари хусусий секторлар томонидан 4 та уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

-2025-йилда ушбу массивда 14 та уй 815 та хонадонли уй-жойлар фойдаланишга топширилиши режалаштирилиб ҳозирда қурилиш ишлари жадал давом этмоқда. Хусусий секторлар томонидан 7 та уй 339 хонадонли уйлар фойдаланишга топширилади.

Инвестиция дастури бўйича

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 24-декабрда ПҚ-454-сонли қарори асосида 2025-йилда туманда 49,4 млрд.сўмга 12 та мактаблар реконструкция қилиш, 7,5 млрд.сўмга 2 та ДМТТ қуриш ва реконструкция қилиш, 6,8 млрд.сўмга 1 та соғлиқни саклаш муассасаси қуриш ишлари, 1,1 млрд.сўмга 1 та оқова сув иншооти қуриш, 9,8 млрд.сўмга тумандаги “Қозон ариқ” каналини реконструкция қилиш режалаштирилган. Шунингдек “Абу Даби” тараққиёт жамғармаси кредит маблағларининг икдисод қилинган қисми ҳисобига 14,5 млрд.сўмга 3 та ДМТТ шунда 2 та ДМТТ реконструкция қилиш ва 1 та янги ДМТТ қуриш режалаштирилган. “Ислом тараққиёт банки” иштироқида “Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш” лойиҳаси дастури доирасида жами 159,8 млрд.сўмга тумандаги 8 та МФЙларнинг инфратузилмаси яхшиланади